O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

XALQ DEPUTATLARI
OLMAZOR TUMANI KENGASHINING

QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

РЕШЕНИЕ

ОЛМАЗОРСКОГО РАЙОННОГО
КЕНГАША НАРОДНЫХ
ДЕПУТАТОВ

№ 2/2-24 2020 yil «30» декабрь

Олмазор туманининг 2021 йил учун маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 24-моддаларига асосан, Ўзбекистон Республикасининг "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонуни, Бюджет кодексининг 99-моддасига, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2020 йил 30 декабрдаги "2021 йил учун Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида"ги 254/30-6-сонли қарорига мувофиқ ҳамда Тошкент шаҳар Молия бош бошқармасининг 2020 йил 30 декабрдаги 01-3/2321-сонли хатини инобатга олиб, 2021 йил учун Олмазор тумани маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Олмазор туман Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикасининг "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) ҳамда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2020 йил 30 декабрдаги "2021 йил учун Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида"ги 254/30-6-сонли қарорига (кейинги ўринларда Қарор деб аталади) мувофиқ 2021 йил учун Олмазор туман маҳаллий бюджети маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қарорга асосан 2021 йилда:

а) Қуйидаги солиқ турлари Олмазор туман маҳаллий бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи,

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи,

жисмоний шахсларнинг мол-мулкларни ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи,

мобил алоқа хизматлари учун аксиз солиғи ва алкогол маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун аксиз солиғидан тушумлар 2020 йил 1 июль ҳолатига кўра Олмазор туман аҳолисини республика аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат активларини ижарага бериш ва хусусийлаштиришда тушадиган даромадлар,

б) Қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар Тошкент

шаҳар ва Олмазор туман маҳаллий бюджетлари ўртасида тақсимланади:

айланмадан солиқ,

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ,

юридик шахслар ер солиғи,

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно,

якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи.

3. Қарорнинг:

4-иловасига мувофиқ, Олмазор тумани бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари тасдиқланганлиги;

7-иловасига мувофиқ 2021 йил учун Олмазор тумани бюджетида йўл қўйиладиган айланма касса маблағларининг энг кам миқдори **1 948 410,0 минг сўм** этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. 2021 йил учун Олмазор тумани маҳаллий бюджети даромадлари прогнози 1-иловага мувофиқ мақуллансин.

5. 2021 йил учун Олмазор тумани маҳаллий бюджетидан бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. 2021 йил учун Олмазор туман бюджети захира жамғармаси ҳажми **1 328 984 минг сўм** миқдорида белгилансин ҳамда захира жамғармаси маблағларини туман бюджетида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

7. Олмазор туманининг туман бюджетида шаклланган қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар туман Кенгашлари томонидан туман ҳокимлиги таклифларига асосан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилиш мақсадида қабул қилинади.

8. Олмазор туман ҳокимлиги, туман молия бўлими ва бюджет маблағларини тақсимловчилари:

туман ҳокимлиги ташаббусига кўра амалга ошириладиган қўшимча тадбирларни молиялаштириш фақат туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилсин,

туман бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар учун харажатларнинг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирилишини назоратга олсин,

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидани бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳалар ижросини,

ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва давлат ҳаридлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин,

туман маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйҳати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар туман ҳокимлиги томонидан мажбурий тартибда ўз расмий веб-сайтларига жойлаштирилсин,

туман маҳаллий бюджетининг қўшимча даромадларини 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирсин ва веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштирсин.

9. Олмазор туман ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 1-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Тошкент шаҳар ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш билан бирга киритилган мурожаатига асосан тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан таклифлар киритади.

10. Олмазор туман ҳокимлиги:

Бюджет маблағлари тақсимловчиларининг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини Кенгашга киритилишини таъминласин.

бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичлари бўйича бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун туман Кенгашига доимий равишда маълумот киритиб борсин.

Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

11. Мазкур қарор 2021 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

12. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари Олмазор туман Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссия раиси Т.Назаров ва Олмазор туман ҳокими биринчи ўринбосари Ж. Исраилов зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари
Олмазор туман
Кенгаши раиси ўринбосари **А.Шермуратов**

Халқ депутатлари
Олмазор тумани Кенгашининг
2020 йил "30" декабр даги
2/2-24-сонли қарорига
1-илова

2021 йилги Олмазор тумани бюджети даромадлари прогнози

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Жами
	ЖАМИ	**133 887 069,0**
1	Давлат активларини ижарага бериш ва хусусийлаштиришда тушадиган даромадлар	2 524 383
2	Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи	9 024 191
3	Акциз солиғи:	56 325 934
	Шундан:	
	Бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	*25 973 442*
	Алкоголга акциз солиғи (шу жумладан пиво)	*19 709 370*
	Уяли алоқа	*10 643 122*
4	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	11 606 868
5	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	4 369 025
6	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	12 720 324
7	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	7 803 900
8	Айланмадан олинадиган солиқ	26 817 556
9	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	2 694 888

Халқ депутатлари
Олмазор тумани Кенгашининг
2020 йил "30" декабр даги
2/2-24-сонли қарорига
2-илова

2021 йил учун Олмазор тумани бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган ажратмаларнинг чекланган миқдори

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	2021 йил
	Олмазор туман бўйича харажатлари миқдори, Жами:	**133 887 069,0**
	Шундан:	
	Жорий харажатлар	**133 887 069,0**
1	Халқ таълим соҳаси	10 591 006,0
	жорий харажатлар	*10 591 006,0*
2	Мактабгача таълим соҳаси	15 305 312,0
	жорий харажатлар	*15 305 312,0*
3	Соғлиқни сақлаш соҳаси	72 117 303,0
	жорий харажатлар	*72 117 303,0*
4	Маданият ва оммавий ахборот воситалари соҳаси	1 213 949,0
	жорий харажатлар	*1 213 949,0*
5	Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси	3 057 064,0
	жорий харажатлар	*3 057 064,0*
6	Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ва компенсациялар	4 012 764,0
	жорий харажатлар	*4 012 764,0*
7	1941-1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва унга тенглаштирилган шахслар учун асосий турдаги озиқ-овқат махсулотлари ва гигиена товарларини бепул бериш харажатлари	27 313,0
	жорий харажатлар	*27 313,0*
8	Ижтимоий кўникма маркази	247 718,0
	жорий харажатлар	*247 718,0*
9	Ободонлаштириш соҳаси	13 550 049,0
	жорий харажатлар	*13 550 049,0*
10	Давлат бошқарув органларини сақлаш	6 702 306,0
	жорий харажатлар	*6 702 306,0*
	- Маданият бўлими	147 938,0
	жорий харажатлар	*147 938,0*
	- Бандликка кўмаклашиш маркази	727 284,0
	жорий харажатлар	*727 284,0*
	- Молия бўлими	701 647,0
	жорий харажатлар	*701 647,0*
	- Давлат ҳокимият органлари	3 275 985,0
	жорий харажатлар	*3 275 985,0*
	- Халқ қабулхонаси	106 204,0
	жорий харажатлар	*106 204,0*
	- Кенгаш котибияти	160 444,0
	жорий харажатлар	*160 444,0*
	- Пенсия жамғармаси	1 088 182,0
	жорий харажатлар	*1 088 182,0*
	- Махалла ва оила бўлинмаси	494 622,0
	жорий харажатлар	*494 622,0*
11	Фуқароларни ўзини ўзи бошқаришорганларини сақлаш	5 733 301,0
	жорий харажатлар	*5 733 301,0*
12	Заҳира жамғармаси	1 328 984,0